

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

Ш. Р. ҚОБИЛОВ
Н. Б. АБДУЛЛАЖОНОВ

КОРРУПЦИЯ
ВА
ХАВФСИЗЛИК

Тошкент 2006

65.9(2У)

К-55

Тақризчилар:

иқтисод фанлари доктори, профессор **А. В. Ваҳобов**;
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят-қидирув ва
терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг бошқарма
бошлиғи генерал-майор **Р. К. Каримов**

К-55 **Қобилов Ш. Р., Абдуллажонов Н. Б.**
Коррупция ва хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 43 б.

Ушбу илмий-оммабоп рисолада ҳозирги замоннинг умумбашарий хавфига айланиб бораётган коррупциянинг моҳияти, унинг миллий хавфсизликка, жумладан иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфиёна иқтисодиётнинг кўриниши эканлиги очиб берилади, шунингдек, коррупцияга қарши кураш борасидаги назарий қарашлар умумлаштирилади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва барча қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 65.9(2У)

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006

© Ш. Р.Қобилов, 2006

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий изла-нишларни ўзида акс эттирган ҳамда жаҳон жамоатчилиги-да тобора катта қизиқиш уйғотаётган, шунингдек давлати-миз раҳбарининг жаҳондаги мураккаб масалаларга илмий асосда ёндашилган нуқтаи назари акс этган, дунёнинг ўнлаб мамлакатларида нашр этилган ва тарихий аҳамиятга эга “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари-да бундан тўққиз йил муқаддам (1997 й.) “ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бир-га юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради”¹, деб таъкидланган эди.

Юртбошимизнинг ушбу башорати тақдим этилаётган рисоламизнинг мавзуи бўлган коррупция ва хавфсизлик муаммосига бевосита дахлдордир.

ХХІ асрга келиб, глобал ҳодиса ҳисобланган коррупция-га қарши кураш барча давлатлар жамоатчилигининг диқ-қат марказидаги асосий ўринлардан бирини эгаллаётганли-ги ҳамда мамлакатлар иқтисодий ўсишига таҳдид эканлиги, ислоҳотларнинг депсиниб туришига сабаб бўлаётганлиги ҳақида қайғурган Президентимиз И. А. Каримов айтгани-дек, “шунинг унутмаслик керакки, тамагирлик, тўрачилик,

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – 88-б.

порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади”².

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантираётган ва унинг маъномоҳиятига доғ тушираётган коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши кураш масалалари мазкур рисоламизнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Биз Президентимиз И. А. Каримовнинг “мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни (Сўз “коррупция” ҳақида бормоқда. – муалл.) эсда тутмоғи даркор”³ деган сўзларини инобатга олган ҳолда ушбу рисола кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этишга жазм қилдик.

Ушбу рисола республикамиздаги илк нашрлардан бири бўлганлигини инобатга олиб, муаллифлар рисола юзасидан билдирилган танқидий мулоҳазаларни холисона қабул қилдилар, чунки китобхонларнинг коррупция ва хавфсизлик соҳасидаги саводхонлигини ошириш умумий ишимиздир.

² Қаранг: *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – 200-б.

³ *Каримов И. А.* Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // *Халқ сўзи.* – 2006. – 11 февр.

КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Коррупция хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфиёна иқтисодиётнинг кўриниши эканлиги барчага аён. Шу боис коррупцияни иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этишда баҳс-мунозаралар деярли йўқ. Унинг давлат амалдорларининг порахўрлик фаолиятдан иборатлиги ва жамиятга катта зарар етказишини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этадилар. Коррупция бир қатор иқтисодий муаммоларнинг ечими давлатга боғлиқ бўлишидан келиб чиқади.

Порахўрлик муносабатларини уч субъектли деб айтиш мумкин. Булар: пора олувчилар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилар. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар марҳаматига муҳтожлардир. Воситачилик вазифасини эса айрим шахслар ва яширин ташкилотлар амалга оширадилар.

Коррупциянинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жиҳатдан, бу эркин бозор қонун-қоидаларига мос келмаганидан яширинча юз берадиган муносабатдир. Бу муносабатда барча коррупциялашган унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Амалдор хизматида талаб бўлганидан, у сотади. Бу ерда пора яширин хизмат ҳақи шаклига киради. Порахўрликда ҳам бозор муносабати бор, лекин бу тор эгоистик манфаатга бўйсунувчи муносабат бўлганидан уни жамият тан олмайди, чунки бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши бошқалар манфаатига йўл бермаслик ҳисобидан бўлади, шу ваддан буни жамият қабул қилмайди, у яширин тус олади.

Жамият қабул қилган ҳодисаларни юридик қонунлар тартибга солади. Шунинг назарда тутиб, коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият деб айтиш мумкин. Коррупция – глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси ҳар хил. Бу коррупциянинг илдизлари чуқурлигидан гувоҳлик беради.

Коррупциянинг сабаблари ҳар хил талқин этилади. Уларнинг объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилиб, улар орасида қонунчиликнинг номукамаллиги, демократик принциплар ва институтларнинг ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги ажратилади. Бизнингча, коррупциянинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак. Коррупция иқтисодий ҳодиса ҳисобланар экан, унинг иқтисодий илдизларини топиш керак. Бу илдизлар пул муносабатларининг ўзида жойлашган. Пул универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилишади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулай шакли. Пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганча жамғариш мумкин. Пул ликвидлиги энг юқори бўлган активдир. Ликвидликни эса пулнинг қадр-қиммати таъминлайди. У кўзга кўринмас молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради. Пулнинг ликвидлиги муҳим бўлганидан, пора беришда қаттиқ валюталар ишлатилади, чунки уларнинг қадри барқарор бўлгани учун жамғариш воситаси бўла олади. Пул – бозор муносабатларининг маҳсули, шу сабабли пул муносабатларининг ривожланиши коррупцияни озиқлантиради.

Натурал ишлаб чиқариш шароитида порахўрлик моддий шаклда бўлиши мумкин, уни кўздан яшириб бўлмайди. Пул муносабатлари эса яширин муносабат ўрнатишда қўл келади. Хуллас, коррупциянинг объектив сабаби пулнинг юксак

ликвидлик хусусиятидадир. Бу пул фетишизмини, яъни уни илоҳийлаштиришни, унга сиғинишни юзага келтиради, пул ҳамма нарсани ҳал қилувчи кучга эга. Бу эса очкўзликни келтириб чиқаради, уни ғайриқонуний йўл билан топа олиш имконияти бор кишиларни коррупциялашган кишиларга айлантиради, бундай одамлар одатда давлат амалдорлари бўладилар. Бунда бозор механизмининг кам лаёқатли бўлиши кузатилади, унинг ожизлигини давлат механизми тўлдириб боради. Давлат механизми лаёқатли бўлиб қолганда унинг амалдорлари хизматига талаб ошади, чунки шундай йўл билан иш битади. Бу эса порахўрликни келтириб чиқаради, албатта.

Бозор тизими ҳозирча мукамал эмас, унинг механизмларида узилишлар бўлиб турибди ва бу коррупцияга қулай шароит ҳозирламоқда. Демак, коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бозор муносабатларини такомиллаштиришдир. Бундай заруратни бозор тизими ривожланган жойда коррупциянинг кучсиз бўлиши фактининг ўзи кўрсатиб туради.

Иқтисодиётда шундай жиддий ҳолат кузатилади, яъни у ўсган сари унинг ижтимоий йўналиши кучаяди, давлатнинг ижтимоий дастурларини молиялаштириш учун катта маблағ талаб қилади ва бу бюджетда тўпланади.

Бюджет маблағларининг тақсимланиши амалдорларга боғлиқ. Бу ҳол уларни пора орқали сотиб олишга олиб келади. Ялпи ички маҳсулотлар (ЯИМ) давлат истеъмолининг ҳиссаси камайишга мойил бўлса-да, унинг мутлақ миқдори бари бир ўсади, чунки ЯИМ доимо кўпайиб боради. Давлат истеъмолини қондириш харажатлари бюджетдан молиялаштирилади. Давлат истеъмоли товарлар ва ресурслар харидини юзага келтиради. Давлат буюртмасини олиш фирмаларга товарининг сотили-

шини, шу боис фойда тушишини кафолатлайди. Бинобарин, буюртма учун рақобатлашув келиб чиқади. Бу рақобатда пора бериш ҳам қўлланилади. Бу, айниқса, давлат инвестициялари кўпайган кезларда кўзга ташланади, чунки давлат истеъмолининг ортиши юз беради. Давлат истеъмоли жамият ривожини учун зарур, бироқ бу коррупция учун шароит яратади. Натижада жамият ўзига маъқул ва номаъқул ҳодисаларга дуч келади. Демак, коррупцияни бозор тизимидаги ички зиддият юзага келтиради деб айтиш мумкин.

Коррупциянинг объектив сабабларидан бири давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва шунга боғлиқ ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш давлат амалдорларига боғлиқ бўлишидир. Давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Бу усулларнинг қўлланилиши амалдорлар фаолиятига боғлиқ.

Давлатнинг рухсат бериш функцияси ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан биридир. Давлат қўлидаги субсидиялар, солиқлар, имтиёзли лицензиялар, квоталар, преференциялар ва буюртмалар каби воситалар бизнесни тартибга солиб туришда қўлланилади. Улардан кимнинг баҳраманд бўлиши амалдорларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий фаолиятдан яхши натижага эришиш учун тадбиркорлар пора бериш йўли билан амалдорларни сотиб олиш ва шу орқали имтиёзларга эга бўлишга интиладилар. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур эканлиги ва айтилган вақтда коррупцияни юзага келтириши иқтисодиётдаги зиддиятли ҳолатдир.

Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ва-

зирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида “2005 йилда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари сифатида давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар, молия-хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Текширувлар сони 2001 йилдагига нисбатан 2,5 баравардан кўпроқ камайди. Рухсат бериш билан боғлиқ 12 та процедура (таомил) бекор қилинди. Ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди”,⁴ дейилади.

Коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда кўпчилик тадқиқотчилар давлат қонунларининг номукамаллигига урғу берадилар. Бу тўғри, лекин ҳеч қачон ва ҳеч қаерда абадий мукамал қонунлар бўлмаган. Қонунлар одатда реал ҳаётдаги ўзгаришлардан орқада қолади, шу сабабли улар тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб турилади. Мукамал ҳисобланган қонунлар вақт ўтиши билан номукамал бўлиб қолади, чунки реал ҳаёт илгарилаб кетади. Номукамал қонун реал ҳаёт талабидан ортада қолган ва келажакни тўлиқ акс эттирмайдиган қонундир. Бундай қонунлар яхши ишламайди, натижада коррупцияга йўл очилади. Кўпчилик ўтиш даври мамлакатларидаги қонунлар номукамаллиги билан ажралиб туради, чунки булар четдан андоза олган ҳолда яратилган қонунлар бўлиб, уларнинг яхши ишламаслиги коррупционерларга қўл келади. Масалан, бир қатор МДҲ мамлакатларида қонунларнинг номукамаллигидан усталик билан фойдаланган гуруҳлар амалдорларга пора бериш воситасида капитал жамғаришни тезлаштирганлиги маълум. Коррупциянинг ривож қонунларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис унга қарши курашиш воситаларидан бири

⁴ Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи. – 2006. – 11 февр.

қонунларни ўз вақтида қайта кўришдир.

Коррупция сабабларига тўхталганда бир қатор олимлар ва сиёсий арбоблар давлат амалдорлари иш ҳақининг камлигига урғу берадилар. Бу ҳам порахўрликка интилишни кучайтиради, лекин бу унинг бирдан-бир сабаби эмас. Иш ҳақининг озлиги қуйи табақадаги амалдорларни порахўрликка ундайди, аммо катта миқдорда пора олиш юқори мансабли амалдорларга хос. Порахўрлик ҳуқуқ-тартибот органларида ҳам тез-тез учраб туради, ваҳоланки бу ердаги иш ҳақи ва пенсиялар юқори ҳисобланади. Демак, порахўрлик иш ҳақидан кўра пора олиш имкониятларига кўпроқ боғлиқдир.

Коррупцияни лоббизм ҳам келтириб чиқаради, бироқ ҳар қандай лоббизм ҳам бунга олиб келмайди. Рухсат берилган, жамият тан оладиган лоббизм борки, у очиқ бозор алоқаларига таянади. Бунда у ёки бу гуруҳ шахслар ёхуд фирмалар манфаатига мос келадиган, жамият учун зарарсиз бўлган қарорларни давлат идоралари томонидан қабул қилиш зарурлигини асослаш ва бунга кўмаклашиш билан боғлиқ лоббизм коррупцияни келтириб чиқармайди, чунки бу ўринда, бозор қоидаларига биноан лоббистик хизматлардан очиқчасига, уларнинг ҳақини тўлаган ҳолда фойдаланиш юз беради. Аммо, шу билан бирга, хуфиёна лоббистик хизматлар борки, улар индивидуал ва корпоратив манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда бошқалар манфаатига зид ишларнинг амалга оширилишини билдиради. Шундай бўлганда ғайриқонуний лоббизм пайдо бўлади, унинг хизмат ҳақи порадан ўзга нарса бўлмайди. Иқтисод ва демократия ривожланган мамлакатларда ошкора лоббизм кўпроқ учраса, иқтисоди қолоқ ва демократия ривожланмаган жойда лоббизм коррупцион фаолият шаклини олади.

Юксак ликвидли активларнинг мавжудлиги ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, демократия даражасининг

пастлиги коррупциянинг объектив сабаблари бўлса, аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигидаги нуқсонлар коррупциянинг субъектив сабабларига киради. Субъектив муносабат коррупцияни кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин, бироқ коррупцияни тагтомири билан йўқота олмайди. Чунки унинг илдизлари иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасига бориб тақалади.

Коррупциянинг салбий ҳодиса сифатида хавфсизликка таҳдид солиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди, шу сабабли давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари унга қарши курашиб келади. Бироқ дунёнинг ҳеч бир мамлакатида, ҳатто ҳар томонлама юксак ривожланган мамлакатларда ҳам коррупция тугатилмаган. Жамият коррупцияни чеклаб туриши, катта хавф туғдирмайдиган даражага келтириши мумкин. Унга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш учун қайси соҳа қай даражада коррупцияланганини билиш талаб қилинади. Бунга коррупцияни миқдорий таҳлил қилиш воситасида эришилади.

Жаҳон Банки ҳамда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки томонидан 1998 йилда ўтиш иқтисодиётига эга бўлган 22 та мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар аҳоли жон бошига тўғри келувчи бевосита хорижий инвестициялар ҳажми билан ҳукуматнинг юқори даражаларидаги коррупция даражаси ҳамда йирик ҳукумат шартномаларини тузиш даврида олинувчи поралар ўртасида тескари мутаносиблик мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, 1994 ва 1999 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи бевосита хорижий инвестициялар ҳажми Беларусь, Қирғизистон, Молдова, Россия, Украинада йилига 20 долларни ташкил этган бўлса, Польша ва Словенияда бу кўрсаткич 100 доллар, Венгрия ва Чехияда 200 долларга етган⁵.

⁵ Манба: Экономическое обозрение. – 2003. – № 1. – С. 34.

Давлатларнинг коррупциялашиш индекси
 (“Transperency International”, 2002)

№	Мамлакат-лар	Индекс баллари		№	Мамлакат-лар	Индекс баллари		№	Мамлакат-лар	Индекс баллари	
		2002	2001			2002	2001			2002	2001
1.	Финляндия	9,7	9,9	31.	Италия	5,2	5,5	61.	Эфиопия	3,5	-
2.	Дания	9,5	9,5	32.	Уругвай	5,1	5,1	62.	Миср	3,4	3,6
3.	Янги Зеландия	9,5	9,4	33.	Венгрия	4,9	5,3	63.	Сальвадор	3,4	3,6
4.	Исландия	9,4	9,2	34.	Малайзия	4,9	5,0	64.	Таиланд	3,2	3,2
5.	Сингапур	9,3	9,2	35.	Тринидад ва Тобаго	4,9	5,3	65.	Туркия	3,2	3,6
6.	Швеция	9,3	9,0	36.	Беларусь	4,8	-	66.	Сенгал	3,1	2,9
7.	Канада	9,0	8,9	37.	Литва	4,8	4,8	67.	Панама	3,0	3,7
8.	Люксембург	9,0	8,7	38.	ЖАР	4,8	4,8	68.	Малави	2,9	3,2
9.	Голландия	9,0	8,8	39.	Тунис	4,8	5,3	69.	Ўзбекистон	2,9	2,7
10.	Буюк Британия	8,7	8,3	40.	Коста-Рика	4,5	4,5	70.	Аргентина	2,8	3,5
11.	Австралия	8,6	8,5	41.	Иордания	4,5	4,9	71.	Кот д’Ивуар	2,7	2,4
12.	Норвегия	8,5	8,6	42.	Маврикий	4,5	4,5	72.	Гондурас	2,7	2,7
13.	Швейцария	8,5	8,4	43.	Жанубий Корея	4,5	4,2	73.	Ҳиндистон	2,7	2,7
14.	Гонконг	8,2	7,9	44.	Греция	4,2	4,2	74.	Россия	2,7	2,3
15.	Австрия	7,8	8,5	45.	Бразилия	4,0	4,0	75.	Танзания	2,7	2,2
16.	АҚШ	7,7	7,6	46.	Болгария	4,0	3,9	76.	Зимбабве	2,7	2,9
17.	Чили	7,5	7,5	47.	Ямайка	4,0	-	77.	Покистон	2,6	2,3
18.	Германия	7,3	7,4	48.	Перу	4,0	4,1	78.	Филиппин	2,6	2,9
19.	Исроил	7,3	7,6	49.	Польша	4,0	4,1	79.	Руминия	2,6	2,8
20.	Бельгия	7,1	6,6	50.	Гана	3,9	3,4	80.	Замбия	2,6	2,6
21.	Япония	7,1	7,1	51.	Хорватия	3,8	3,9	81.	Албания	2,5	-
22.	Испания	7,1	7,0	52.	Чехия	3,7	3,9	82.	Гватемала	2,5	2,9
23.	Ирландия	6,9	7,5	53.	Латвия	3,7	3,4	83.	Никарагуа	2,5	2,4
24.	Ботсвана	6,4	6,0	54.	Марокаш	3,7	-	84.	Венесуэла	2,5	2,8
25.	Франция	6,3	6,7	55.	Словакия	3,7	3,7	85.	Грузия	2,4	-
26.	Португалия	6,3	6,3	56.	Шри-Ланка	3,7	-	86.	Украина	2,4	2,1
27.	Словения	6,0	5,2	57.	Колумбия	3,6	3,8	87.	Вьетнам	2,4	2,6
28.	Намибия	5,7	5,4	58.	Мексика	3,6	3,7	88.	Қозоғистон	2,3	2,7
29.	Эстония	5,6	5,6	59.	Чили	3,5	7,5	89.	Боливия	2,2	2,0
30.	Тайвань	5,6	5,9	60.	Доминикан Республикаси	3,5	3,1	90.	Камерун	2,2	2,0

1993 йилда Берлинда катта бизнес вакиллари ва сиёсатчилар тузган “Transperency International” (Халқаро ошкоралик) ташкилоти томонидан аниқланувчи ва эълон қилинувчи коррупция индекси юқоридаги жадвалда берилган (1-жадвал). Бу кўрсаткичга биноан, коррупция оз бўлса — юқори, агар юқори бўлса — паст балл берилади. Жадвал маъ-

лумотларидан кўриниб турганидек, коррупциялашув даражаси энг паст мамлакат Финляндия бўлса, энг юқориси Камерундадир.

Коррупция иқтисодиётга салбий таъсир этади. Корхонанинг ўз ишлаб чиқариш ҳажмини яширишига кўп ҳолларда мансабдор шахсларга пора бериш зарурати сабаб бўлади. Бу вазият айниқса собиқ социалистик мамлакатларга хосдир. Дания ҳукумати ва Жаҳон Банкнинг ҳамкорликдаги лойиҳаси Indem мутахассисларининг фикрига кўра, россияликлар турли хил пора ва бошқа норасмий тўловларга йилга 36 млрд. доллар ёки ЯИМнинг 12 фоизига тенг маблағни сарфлар эканлар. Поралар ҳар бир бизнес шартномасининг 10 фоизга яқинини ташкил этади. Пораларнинг кўпчилиги қисми санитария ва ёнғиндан сақлаш хизматларига (34,6 %), лицензиялар берувчи ташкилотларга (34,2 %) тўғри келади. Ушбу лойиҳа мутахассисларининг фикрича, фирмалар эгаларининг пора бериш жараёнига жалб қилинганлик даражаси бизнесни муваффақиятли амалга ошириш билан боғлиқ эмас, яъни порахўрлик одатий жараёнга айланиб қолган. Давлатнинг мансабдор шахслари ўртасида порахўрлик кенг тарқалганлигининг асосий сабаблари қаторига иш ҳақи даражасининг пастлиги, нафақага чиққандан сўнг камбағаллашув, қонунларнинг бўшлигини киритиш мумкин. Мутахассислар сиёсий соҳадаги коррупциянинг кўламини таҳлил этар эканлар, Давлат Думасидаги порахўрликка алоҳида эътибор берадилар. Бу ерда коррупцион трансакциялар бозори шакллانганлигини кўриш мумкин. Дума қўмиталари аъзоларининг “хуфиёна даромадлари” расмий иш ҳақларидан 15–20 марта катта экан⁶.

Бир қатор мамлакатлар тажрибаси коррупцияни бутунлай тугатиш қийин бўлса-да, унинг кучини қирқиш, жамиятга келтирувчи зарарини камайтириш мумкинлигини кўрса-

⁶ Манба: www.Evrasianews.com.

тади. Аслида коррупцияни давлат бошқаруви тизими мукам-мал эмаслигининг кўринишларидан бири сифатида қабул қилиш керак. Бунга давлат бошқаруви тизими “шаффоф”, тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун норматив-маъмурий тўсиқлар энг кам бўлган мамлакатларда коррупция даражасининг энг паст эканлиги ҳам далил бўлади.

Охир-оқибатда коррупция даражасининг юқори бўлиши, Т. Абдуллаева ва А. Таксановларнинг фикрига кўра, мамлакат аҳолиси фаровонлигининг пасайишига олиб келади ва, аксинча, мамлакат ривожланиш даражаси қанчалик паст ва демократик институтлар қанчалик кучсиз бўлса, коррупция даражаси ҳамда хуфиёна иқтисодиёт кўлами шунчалик юқори бўлади (2-жадвалга қаранг).

Хуфиёна иқтисодиёт — иштирокчилари томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқ тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий фаолият турлари. Хуфиёна иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол жараёнлари — иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манфаатлари ётади. Хуфиёна иқтисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

Хуфиёна иқтисодиёт — мураккаб, кўп босқичли ҳодиса. Унинг тур ва шакллари хилма-хил. Хуфиёна иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий-ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) жиноий-иқтисодий фаолият. Бу — мутлақо ман этилган, қонун йўли билан тақиқланган ишлар билан шуғулланиш. Масалан, наркобизнес, порнобизнес, қурол-яроғ бизнеси ва ҳ.к.;

2) ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб, ўзлаштириб олиш, масалан, ўғрилик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик;

3) иккиламчи иқтисодиёт — кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат берилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Улар яширин тадбиркорлик ҳисобланади;

4) расман рухсат этилган фаолият билан бирга қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда ҳисобга кирмаган қўшимча маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) мансабни суистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар. Булар жумласига давлат идораларидаги яширин порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин;

б) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият. Бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторига қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар.

Хуфиёна иқтисодиётдаги ижтимоий зарарли фаолият давлат томонидан қатъиян тақиқланади, ҳамма чоралар билан унга қарши кураш олиб борилади, ижтимоий фойдали фаолиятнинг (норасмий бўлса-да кишилар талаб-эҳтиёжларини қондиради) ошқора бўлиши иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади, масалан, солиқлар енгиллаштирилади.

Хуфиёна иқтисодиёт миқёси яширин иқтисодий айланма, яъни рухсат этилмаган товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш ҳажми билан белгиланади, унинг аниқ ҳисоб-китоби бўлмайди. Бунинг ўрнига уни тахминан баҳолаш усули қўлланилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўтган аср охирларида Ер юзидаги яширин иқтисодий айланма 8 *трлн.* долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5 % га тенг бўлган, бироқ хуфиёна иқтисодиёт миқёси турли мамлакатларда фарқланади. Хуфиёна иқтисодиёт энг ривожланган мамлакатларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради. Масалан, 1999 йил Миср ва Нигерияда у ялпи ички маҳсулотнинг 70 % га тенг бўлди. Хуфиёна иқтисодиёт

ҳиссаси энг кам бўлган мамлакат Осиёда — Япония (12%), Фарбий Европада — Швейцария ҳисобланади. 1997 йилда дунёнинг ривожланган мамлакатларида, масалан, АҚШ ва Италияда хуфиёна иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси тегишлича 6,4 ва 11,4% ни ташкил этган бўлса⁷, 2005 йилда тегишли равишда 8,4 ва 25,7% ни ташкил этди.

Коррупциянинг тарқалиши ва хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланиши ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд. Бир томондан, ушбу икки ҳодиса маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга. Бошқа томондан, улар бир-бирини келтириб чиқаради. Тижорат сектори олдида маъмурий тўсиқлар қанчалик кўп бўлса, уларни айланиб ўтишга, жумладан, амалдорларнинг “оғзини мойлаш” орқали четлаб ўтишга интилишлар шунчалик кучли бўлади. Айрим ҳисобкитобларга қараганда, хўжалик фаолиятидаги ҳисоботларни, масалан солиқ ҳисоблаш бўйича ҳужжатларни соддалаштириш, либераллаштириш (хусусан, лицензия олиш талаб этиладиган ва ҳаддан ташқари сертификатлаштириш ўтказилаётган йўналишларда) яширин иш кўраётган корхоналарнинг камида учдан бир қисмини хуфиёна иқтисодиётдан чиқариб олиш имконини бериши мумкин. Айни вақтда, масалан, Германиянинг Бонн шаҳрида жойлашган Бозорни ўрганиш институти маълумотларига кўра, турли мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қуйидагича: Хитойда — 15,6%, Германияда — 16,8%, Россияда — 48,7%, Беларусда — 50,4%, Украинада — 54,7%, Грузияда — 68,0%⁸.

XXI асрга келиб, иқтисодиётнинг глобаллашуви оқибатида хуфиёна иқтисодиёт миллий доирадан чиқиб халқаро даражага кўтарилди. Хуфиёна иқтисодиёт глобаллашуви бир мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиёт бошқа мамлакатга кўчирилишида, ножўя бизнес ишлари билан шуғулланувчи халқаро фирмаларнинг пайдо бўлишида кўринади. Бунга

⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 10. — Т., 2005. — 421-б.

⁸ Аргументы и факты. — 2006. — № 14. — С. 14.

мисол қилиб халқаро наркобизнесни, яширин қурол савдосини, ишчи кучининг яширин миграциясини уюштиришни, оффшор зоналар орқали ғайриқонуний йўллар билан топилган пулни “ҳалоллаб” олиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Булар халқаро ҳамжамиятга катта хатар туғдиради. Пулни чет мамлакатга яширин чиқариб “ҳалоллаб” олишга қарши кураш мақсадларида халқаро ҳамжамият махсус ташкилот — Халқаро молиявий ҳаракатлар гуруҳини ташкил этган (2000 йилда ушбу ташкилотга 36 та мамлакат аъзо бўлган), чунки “ҳалоллаб” олинган пуллар халқаро терроризм ва экстремизм учун молиявий манба бўлади. Бу барча давлатларнинг миллий хавфсизлигига раҳна солаётганлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Коррупция даражаси ва унинг шаклларини фақат иқтисодий салоҳият билан изоҳлаб бўлмайди. Соф иқтисодий ёндашув XIX асрдаги иқтисодий назария оқимларига хос бўлган. XX асрнинг бошларига келиб институционализм оқими пайдо бўлиши билан соф иқтисодий ёндашувдан чекиншиш пайдо бўлди, чунки иқтисодиётдаги ўзгаришларни унинг ривожини билангина тушунтириб бўлмайди. Шу жиҳатдан қаралганда, коррупция илдизларини ғайрииқтисодий шартшароитлар мавжудлиги билан ҳам изоҳлашга тўғри келади. Бу шароитларни демократиянинг ривожланганлик даражаси билан чеклаб бўлмайди, чунки коррупциянинг илдизлари миллий ва маҳаллий анъаналарга ҳам бориб тақалади.

Арнольд Хейденхеймер “Сиёсий коррупция” асарида айтганидек, “бу терминнинг тарихида турли-туман маъно ва мазмунлар кўплаб учрайди”⁹. Сиёсатшунослар ва файласуфлар бу ҳодисани бойлик ёки ҳокимиятга ноқонуний воситалар билан эришиш, яъни жамият эвазига шахсий фойда олишга уриниш сифатида талқин этиб, унинг сиёсий соҳага алоқадорлигини таъкидлайдилар.

⁹ *Arnold J. Heidenheimer. Political Corruption: Readings in Comparative Analysis (New Brunswick, N.J.: Transaction, 1978). – P. 3.*

Коррупция Миср, қадимги яҳудий давлатлари, Юнонистон, Римдан бошлаб бизнинг замонгача мураккаб ижтимоий тизимларда том маънода ҳар ерда мавжуд. Диктаторлик ва демократик политиялар; феодал, капиталистик ва буддавийлик маданиятлари ҳамда диний институтлар – буларнинг бари, турли даражада бўлса-да, коррупцияга таъсир этади. Коррупциянинг абадий мавжудлиги, барқарорлиги ва доимо такрорланиб туриши унга инсоннинг мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан бартараф этиладиган дисфункция сифатида муносабатда бўлиш мумкин эмаслигидан далолат беради. Коррупция нима учун баъзи даврларда, жуғрофий кенгликларда ёки маданиятларда бошқаларга қараганда кўпроқ тарқалишининг сабабини тушуниш учун махсус тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Умуман Шарқда, хусусан Марказий Осиёда коррупцияни озиқлантирувчи манба осиеча ишлаб чиқариш усули сарқитларининг узоқ сақланишидир. Осиёча ишлаб чиқаришда асосий ресурслар олий ҳукмдорлар қўлида бўлганидан улардан фойдаланиш ҳукмдорларга сўзсиз тобелик қилиш, улар хизматида бўлиш ёки амалдорларга пора бериш билан боғлиқ бўлган. Бундай муносабат асрлар мобайнида доимо такрорланиб турганидан анъана тусига кирган. Амалдорлик ва пора олиш ўзаро чирмашиб, чуқур илдиз отган. Бу анъаналар ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, коррупцияга мойилликни келтириб чиқаради. Ўзбекистондаги коррупцияни ҳам қисман бўлса-да, анъаналар юзага келтиради. Бироқ бу иқтисодий эркинлик, демократиянинг аҳволи ва камбағаллик ўртасида алоқалар мавжудлигини йўққа чиқармайди. Қуйидаги маълумотлар ҳам бундан далолат беради (2-жадвал).

Жадвал рақамлари демократия билан коррупция ўртасида тескари мутаносиблик борлигини кўрсатади. Бироқ камбағаллик билан коррупция тўғри мутаносибликда бўлади. Хуфиена иқтисодиёт қанчалик ривожланган бўлса, коррупция шунчалик кучлидир. Бироқ уларнинг миқдорий ўлчами бир

хил бўлиши мумкин эмас, чунки, биринчидан, коррупцияни иқтисодиётдан бошқа кучлар ҳам юзага келтиради; иккинчидан, коррупциянинг ўзи хуфиёна иқтисодиётнинг кўрсаткичларидан биридир.

2-жадвал

*Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларида камбағаллик, демократия, коррупция ва хуфиёна иқтисодиётнинг боғлиқлиги*¹⁰

Мамлакатлар	Камбағаллик даражаси	Демократик жараёнлар даражаси	Коррупция даражаси	Хуфиёна иқтисодиёт даражаси
Қозоғистон	5,3	6,4	5,2	6,6
Туркманистон	8,2	1,6	7,9	8,3
Ўзбекистон	8,0	3,3	7,6	7,1
Қирғизистон	8,2	5,7	6,0	7,1
Тожикистон	9,1	5,5	7,9	8,7
Россия	5,3	7,1	6,4	5,7
Украина	5,9	6,8	7,3	7,0
Озарбайжон	8,4	6,9	8,9	8,5

Эслатма: 0 – жараённинг энг паст даражаси, 10 – жараённинг энг юқори даражаси бўлиб, ўртача арифметик балл қўйилган.

Сўзсиз, коррупция таянса бўладиган кадрларсиз ривожлана олмайди. Чунки улар жиний пулларни назоратдан қочириш, уларни легаллаштириш, хуфиёна пулларни расмий бозорда бемалол ишлаш учун кўмаклашадилар. Бундай мутахассислар доираси жуда кенг, улар жумласига коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи ҳуқуқшунослар, молиявий фирибгарликни амалга оширувчи иқтисодчилар, бу қонунбузарликларни кўрса-да, кўрмасликка олган тергов-жазо ходимлари, солиқчилар, ҳукуматда уларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсатчилар киради.

¹⁰ Қаранг: Общество и экономика. – 2003. – № 10. – С. 195.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ

Коррупция шуниси билан хавфлики, у ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради, бизнес юритиш харажатларини оширади, демак миллий иқтисодиётни рақобатга бардошсиз қилади, муайян даражада сиёсий беқарорликни келтириб чиқаради. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ХХ асрнинг 80-йиллари бошида коррупция, иқтисодиётни уқувсиз бошқариш билан бирга, Венесуэладек нефтга бой мамлакатнинг тўловга қобилиятсиз бўлишига олиб келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши конвенция”си муқаддима-сида айтилганидек, “коррупция эндиликда чекланган доирадаги (локал) муаммо эмас, балки барча мамлакатлар жамияти ва иқтисодиётига дахлдор бўлган трансмиллий муаммога айланди. Бу эса коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлишига сабаб бўлади”.

Коррупционерлар гуруҳи давлатни “эгаллаб олганда” миллий хавфсизликка ички таҳдид кучаяди, чунки бунда давлат сиёсатини тор доирадаги худбин манфаатларга бўйсундириш келиб чиқади.

“Давлатни эгаллаб олиш” деганда, давлат ёки хусусий сектор вакиллари бўлган айрим шахслар, гуруҳлар ёки компанияларнинг ўз манфаатлари йўлида қонунлар, низомлар, фармонлар ҳамда давлат сиёсатининг бошқа воситалари шаклланишига таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатлари тушунилади.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг ўлчови сифатида “давлатнинг сотилиш индекси” қўлланилади. Мазкур кўрсаткич парламент қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари, давлат раҳбарининг фармонлари, ҳукумат тузган дастурларнинг айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг худбин корпоратив манфаатига қанчалик қаратганлигини билдиради. Бу кўрсаткич қанчалик паст бўлса, давлат шунчалик “тоза” ҳисобланади.

Айрим халқаро тадқиқотларга кўра, МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон давлати энг “тоза” ҳисобланади. Масалан, 2000 йилга келиб давлатнинг сотилиш индекси 1,0 га тенг бўлиб, бу энг паст, яъни энг яхши кўрсаткич ҳисобланади, чунки бошқа бир қатор мамлакатларда бу индекс 5,5 га тенг бўлган.

Коррупцияни жиловлашда давлат поклигининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун қонунлар яхши ишлаши керак, буни қонунларнинг юридик самарадорлиги белгилайди. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 2001 йилда 2,0 га тенг бўлиб, бошқа мамлакатлар билан қиёсланганида ўртача кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич энг юқори, яъни 4,0 га тенг бўлган мамлакатлар жумласига Венгрия, Руминия, Польша, Болгария, Чехия ва Эстония кирган. Қонунларнинг самарадорлигини уларнинг мукамаллигидан, яъни реал шароитга мослигидан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳам белгилайди. Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг юқори эмаслиги аҳоли ҳуқуқий маданиятининг пастлигидан келиб чиқади.

Маъмурий коррупция қонун-қоидаларни бажариш жараёнига атайин бузилишлар киритилишини билдиради. Коррупциянинг ушбу тури фирмалар ва компаниялар даромадининг пора бериш учун сарфланадиган ҳиссаси билан ўлчанади.

Шарқий Европа мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача – 2,2 % (Венгрияда – 1,7 %, Польшада – 1,6 %), МДХда – 3,7 % (Россияда – 2,8 %)ни ташкил этган. Баъзи маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5 % бўлган.

Коррупция шакллари хилма-хил бўлиб, уларга пора олишдан тортиб амалдор хизмат вазифасини суистеъмол қилиб, жамият маблағларини ноқонуний ўзлаштиришигача киради. Бизнесда энг кўп учрайдиган ва энг кўп тарқалган коррупция шакли импорт ва экспорт лицензиялари, валюта назорати, солиқларни баҳолаш, имтиёзлар бериш, кредитлар олиш билан боғлиқ равишда ғайриқонуний тўловлар ва пора талаб қилишдир.

Ҳозирги вақтда коррупция бўйича турли хил қиёсий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ушбу соҳадаги энг машҳур ишланмалардан бири – “коррупцияга муносабат билдириш индекси” бўлиб, уни 1995 йилдан бошлаб иш олиб бораётган Transparency International (TI) мутахассислари ишлаб чиққанлар. Ушбу тор ихтисослашган интеграл индекс давлатларни умумий коррупциялашганлик даражаси бўйича, яъни коррупциянинг турлари ва шаклларини инобатга олган ҳолда ажратади (3-жадвалга қаранг). Унга кўра сўровларда жамоатчилик қанчалик коррупция кам деб ҳисобласа, шунча юқори балл берилади. Халқаро молия маълумотларига кўра, 2003 йилда Ўзбекистондаги кичик ва ўрта тадбиркорлар кредит олиш учун унинг 8 % га тенг миқдорда пора берганлар¹¹. Коррупция шаклларида бири давлат амалдорларининг ўз мансабидан фойдаланган ҳолда қариндош-уруғлари бизнеси учун қулай шароит яратиш, бундан ҳисса олиб туриш, давлат буюртмалари пулини ўзига қарашли фирмаларга буриб юборишда намоён бўлади.

¹¹ Отчет международной финансовой корпорации «(IFS) // Деловая среда Узбекистана глазами представителей малого и среднего бизнеса. — Т., 2004. — С. 80.

Коррупцияга муносабат билдириш индекси

Давлат-ларнинг ўрни	Мамлакатлар	Индекс балли	Тадқиқотлар сони	Стандарт девиация ..	Мин/макс.балл
1	Финляндия	9,7	8	0,4	8,9–10,0
2	Дания	9,5	8	0,3	8,9–9,9
3	Янги Зеландия	9,5	8	0,2	8,9–9,6
4	Исландия	9,4	6	0,4	8,8–10,0
5	Сингапур	9,3	13	0,2	8,9–9,6
6	Швеция	9,3	10	0,2	8,9–9,6
7	Канада	9,0	10	0,2	8,7–9,3
8	Люксембург	9,0	5	0,5	8,5–9,9
9	Нидерландия	9,0	9	0,3	8,5–9,3
10	Буюк Британия	8,7	11	0,5	7,8–9,4
11	Австралия	8,6	11	1,0	6,1–9,3
12	Норвегия	8,5	8	0,9	6,9–9,3
13	Швейцария	8,5	9	0,9	6,8–9,4
14	Гонконг	8,2	11	0,8	6,6–9,4
15	Австралия	7,8	8	0,5	7,2–8,7
16	АҚШ	7,7	12	0,8	5,5–8,7
86	Украина	2,4	6	0,7	1,7–3,8
87	Вьетнам	2,4	7	0,8	1,5–3,6
88	Қозоғистон	2,3	4	1,1	1,7–3,9
89	Боливия	2,2	6	0,4	1,7–2,9
90	Камерун	2,2	4	0,7	1,7–3,2
91	Эквадор	2,2	7	0,3	1,7–2,6
92	Гаити	2,2	3	1,7	0,8–0,4
93	Молдова	2,1	4	0,6	1,7–3,0
94	Уганда	2,1	4	0,3	1,9–2,6
95	Озарбайжон	2,0	4	0,3	1,7–2,4
96	Индонезия	1,9	12	0,6	0,8–0,3
97	Кения	1,9	5	0,3	1,7–2,5
98	Ангола	1,7	3	0,2	1,6–2,0
99	Мадагаскар	1,7	3	0,7	1,3–2,5
100	Парагвай	1,7	3	0,2	1,5–2,0
101	Нигерия	1,6	6	0,6	0,9–2,5
102	Бангладеш	1,2	5	0,7	0,3–0,2

* Манбаларни баҳолашдаги фарқ.

* Transparency International, Corruption Index 2002, Germany, 2002.

Ушбу жадвалдаги индекс балли тадбиркорлар ва таҳлилчиларнинг коррупцияни қандай қабул қилишларини акс эттирган бўлиб, у коррупцияни 10 баллдан (коррупция деярли йўқ) 0 баллгача (коррупция жуда юқори даражада) баҳолайди. Иккинчи устунда мамлакатда бу муаммо бўйича неча марта тадқиқот ўтказилганлиги кўрсатилган. Ҳар хил манбаларда мазкур белги бўйича мамлакат баҳосида фарқ қанчалик катта бўлса, стандарт девиация (учинчи устун) кўрсаткичи шунчалик юқори бўлади. Жадвалнинг охириги устунда энг юқори ва энг паст баҳо кўрсатилган.

Яқин вақтларгача бу соҳадаги эмпирик тадқиқотлар асосан аниқ вазият ва ҳолатларни таҳлил қилишдан иборат бўлган. Айни пайтда, консалтинг фирмалари трансмиллий корпорацияларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавобан ушбу ҳодисани ўрганишни тубдан ўзгартирган ҳамда олимларга унинг сабаблари ва оқибатларига оид бир қатор гипотезаларни текшириш имконини берган бир қанча коррупция индексларини ишлаб чиқдилар.

Сиёсий коррупцияни ўрганишда энг кўп қўлланиладиган воситалардан бири “Transparency International” ташкилоти таклиф этган коррупцияга мойиллик индекси (CPI)дир. 1-жадвалда 90 та мамлакат энг кам коррупциялашганидан бошлаб энг кўп коррупциялашганига қараб жойлаштирилган.

Бу индекс “экспертлар ва омма вакилларининг жаҳоннинг турли мамлакатларида коррупциянинг тарқалганлик даражасига доир фикрларини кўп бора “ўлчаш” асосида амалга оширилган “сўровлар сўрови”дан иборат”¹². У ушбу мавзуда мунтазам равишда камида уч марта сўров ўтказиладиган мамлакатларни қамраб олади, ҳолбуки баъзи ҳолларда бундай сўровлар сони 12 тагача етади. Барча манбалар коррупциянинг шахсий манфаатлар учун ижтимоий ҳокимиятни суиистеъмол қилиш сифатида тушуниладиган таъ-

¹² Transparency International. “TI Press Release: 1998 Corruption Perceptions Index”. – Berlin, 22 September 1998.

рифига таянадилар. CPI материалларида сиёсий ва маъмурий коррупция ўзаро ажратилмайди ва шу боис индекс коррупциянинг умумлашган тасвирини очиб беради. Келтири-лаётган маълумотлар коррупциядаги жамоалараро ва маданиятлараро фарқларга тааллуқли эмас. Уларда хусусий ташкилотларнинг коррупциялашганлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

CPI методологияси хусусида баъзан баҳс-мунозаралар бўлиб туради. Айрим муаллифларнинг фикрича, бу методология у ёки бу мамлакатдаги коррупцияни халқаро амалдорлар кўзи билан кўришни акс эттиради, холос. Бироқ, аслида, унинг сўровлари маҳаллий аҳолини ҳам қамраб олади. CPI индексига ақалли битта шундай сўров натижалари мавжуд бўлган мамлакатларгина киритилади. Нима бўлганда ҳам, амалдорлар ва экспертлар ўртасида ўтказиладиган сўровларнинг натижалари аҳоли ўртасида ўтказиладиган шундай сўровларнинг натижаларига жуда мос келади. Рональд Инглхарт 1995 йилда ўтказилган қадриятларни ўрганиш бўйича бутун жаҳон сўровининг (World Values Surveys – WVS) маълумотларига таяниб, респондентлар яшайдиган мамлакатларда коррупциянинг тарқалганлик даражасига оид фикрлар CPI нинг баҳолари билан жуда мос келишини таъкидлайди.

Коррупция иқтисодиётнинг қуйидаги соҳаларида энг чуқур илдиз отган деб ҳисобланади:

- 1) давлат мулкани хусусийлаштириш;
- 2) бюджетни бажариш ва бюджет маблағларини сарфлаш;
- 3) эксклюзив ҳуқуқлар, имтиёзлар, давлат трансфертларини тақдим этиш ва ш.к.;
- 4) банк соҳаси;
- 5) уй-жой ва коммунал соҳа;
- 6) солиқ ва бож тўловлари.

Коррупция ҳодисасини ўрганаётган кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, коррупция давлатнинг юқори

даражадаги солиқ солишлар ва давлат харажатлари орқали иқтисодиётга фаол аралашувининг, иқтисодий фаолиятни назорат қилиш ва бошқариш функциялари катталигининг оқибатидир. Ушбу рўйхатга рақобат муҳитининг сустилиги ҳамда иқтисодиётда монополиянинг мавжудлиги ҳам қўшилади.

Коррупция асосан демократик институтларнинг ноадекватлиги ва ожизлиги туфайли юзага келади, деган фикр ҳам мавжуд. Мамлакат қанчалик юқори даражада демократик бўлса, давлатнинг молиявий механизмлари ошкора бўлса, матбуот қанчалик эркин бўлса, коррупция шунчалик ожиз бўлади. Ҳокимият барча тармоқларнинг бир-бирини назорат қилиши, ҳукумат фаолиятига оид ахборотдан эркин фойдаланиш ушбу салбий ҳодисанинг ривожланишига имкон бермайди. Кўпгина мамлакатлар демократия ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида сиёсий ислоҳотларни амалга ошириб, коррупцияга қарши курашда жиддий муваффақиятларни қўлга киритдилар. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек, “... биз давлатнинг назорат функцияларини қанчалик кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, шу жумладан унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамоат назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бош-қа муқобил йўл йўқ”¹³.

Баъзи олимлар коррупция мавжудлигининг асосий сабаби хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш учун имкон қолдирувчи қонунлардаги номукамаллик деб ҳисоблайдилар. Хусусан, ўтиш даври иқтисодиёти мавжуд бўлган мамлакатларда хусусий тадбиркорлик ва бозор инфратузилмаси фао-

¹³ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.10. – Т., 2002. – Б. 32–33.

лият кўрсатиши билан боғлиқ янги фаолият соҳалари пайдо бўлди. Ушбу соҳаларнинг қонунда қатъий тартибга солинмаганлиги коррупция учун қулай замин ҳозирлайди. Қонунларнинг номукамаллиги уларнинг сифати ёмонлигида ҳам, ижро тизимининг йўлга қўйилмаганлигида ҳам намён бўлиши мумкин. Амалда бу кўпинча бевосита амал қилмайдиган ва кўплаб ўзаро зид келувчи қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинадиган нормаларга ҳавола этадиган бланкет қонунчиликнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади.

Бироқ барча тадқиқотчилар коррупция иқтисодиётга катта зарар келтириши масаласида ҳамфикрдирлар. Коррупция хусусий сектор даромадларининг каттагина қисмини солиққа тортишдан яшириб қолишга имкон беради. Айрим корхоналарнинг (солиқ, кредит ва бошқалар бўйича) имтиёзлардан фойдаланиши рақобат муҳитини бузади. Коррупция ўзига хос солиқ бўлганлиги сабабли бу ҳол тадбиркорларнинг иқтисодий харажатларини оширади ва инвестиция киритиш учун рағбатни камайтиради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, 2003 йилда Ўзбекистонда солиқ ва валюта қонунчилигини бузиш фактлари юзасидан 12 мингдан зиёд маъмурий иш қўзғатилган... Тезкор тадбирлар ўтказиш натижасида 200 дан ортиқ сохта фирмалар фаолияти очиб ташланди, улар 100 млрд. сўмдан зиёд товар айланишини яширганлар. Мамлакатга ноқонуний йўл билан товар келтириш ва уни ички бозорда сотиш билан боғлиқ 4 мингдан кўпроқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Қонунбузарларга қарашли 4,14 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара этилган. Бундан ташқари, мингга яқин давлат рўйхатидан ўтмаган яширин цехлар фаолияти тугатилган¹⁴.

¹⁴ Қаранг: Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. — Т., 2004. — С. 59.

Пора амалда товар сотиш ҳисобидан қопланмайдиган, яъни зарарга муқобил харажат бўлмай, ишлаб чиқариш ва тижорат ишлари билан ўтадиган харажатни вужудга келтиради. Бу доимий ёки ўзгарувчан, аниқ ёки бевосита боғлиқ бўлмаган, бинобарин бизнес учун устама хусусиятига эга бўлган харажатни ҳосил қилади ва фойда ҳисобидан қопланади. Пора аслида норасмий солиқдир. Фирма фойдасини тақсимлаганда унинг бир қисми порани қоплаш учун ажратилиши тақсимланмаган фойдани камайтиради, шунга биноан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи инвестиция ресурси қисқаради. Бу билан ўзини ўзи молиялаштиришдан иборат бозор принципига путур етади. Ҳозирги пайтда корхоналар инвестицияларининг 40 % кредит, 40 % амортизация ва 20 % фойда ҳисобидан молиялаштирилади. Фойданинг бир қисми порага ажратилиши корхонанинг ривожланиш имкониятларини камайтиради, албатта.

Гарвард университети мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, давлат буюртмалари ва харидлари соҳасидаги коррупциядан келадиган йўқотишлар ушбу соҳадаги барча бюджет харажатларининг тахминан 30 %ни ташкил қилади. Саноатнинг айрим тармоқларида (нефть, газ, нодир металллар) мансабдор шахсларни сотиб олиш учун фойданинг деярли 50 % сарфланади. Коррупциядан ҳаммадан кўра кўпроқ кичик ва ўрта бизнес зарар кўради.

Коррупция даромадларнинг очиқ бозор қоидаларини четлаган ҳолда яширин тақсимланишини билдиради ва бу ҳол ижтимоий адолатсизликка олиб келади. Гарчи даромадлар миқдори ўзгармаса-да, улар қайта тақсимланиб бир қўлдан бошқасига ўтади. Адолатсизликнинг қарор топиши кишиларнинг ахлоқан бузилишига, уларда ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозир коррупция иқтисодий ривожланишга путур етказиши, демократик институт ва қонуннинг устунлиги принципини сусайтириши, жамоат тартибини бузиши ва жамият ишончини йўқотиши, бу билан уюшган жиноятчилик,

терроризм ва инсоният хавфсизлигига нисбатан бошқа таҳдидлар гуллаб-яшнашига имкон беришини барча тан олган.

Ҳеч бир мамлакат – у хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал – ушбу салбий ҳодисадан умуман сақлана олмайди. Коррупция давлат секторида ҳам, хусусий секторда ҳам ўзини кўрсатиши мумкин. Аммо ундан доимо фақат бир тараф, яъни жамият зарар кўради. Лекин коррупциянинг ривожланаётган мамлакатлардаги қуйи табақага етказадиган зарари ниҳоятда катта. У кундалик ҳаётга ҳар хил кўринишда таъсир этади ва кишиларнинг янада қашшоқлашувига олиб боради, уларни иқтисодий ресурслардаги қонуний улушидан ёки ҳаёт учун зарур ёрдамдан маҳрум этади.

Коррупция асосий ижтимоий хизматларни пора бериш имкони бўлмаган шахслар учун етишиб бўлмас нарсага айлантиради. Коррупция ривожланиш учун мўлжалланган озгина маблағни бошқа мақсадларга сарфлаб, асосий эҳтиёжлар – озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги эҳтиёжларнинг таъминланишини қийинлаштиради. У ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида камситиш, тенгсизлик ва адолатсизликни келтириб чиқаради, хорижий инвестициялар ва ёрдамларни қочиради, ривожланишни секинлаштиради. Шу боис у сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги жиддий ғов ҳисобланади.

Бироқ коррупция ўтиш даврида адолатсиз даромадлар ҳосил этса-да, капиталнинг дастлабки жамғарилишига хизмат қилади. Коррупциялашган унсурлар ғайриқонуний йўл билан тўплаган пул бизнесга кириб бориб, у ерда капиталга айланади. Натижада бу унсурлар пора ҳисобидан капитал ҳосил қиладилар. Шу сабабли давлат амалдорларининг яширин йўл билан тадбиркорларга айланиши юз беради. Коррупциянинг яна бир салбий томони шундаки, у рақобатда тенгсизликни вужудга келтиради, чунки пора бериш ҳисобидан айрим тоифа тадбиркорлар рақобатда сунъий устунликка эришадилар. Бу ҳол коррупциянинг эркин рақобатга зид ҳодиса эканлигини билдиради.

Коррупциянинг иқтисодий ривожланишнинг кўпгина жиҳатларига бузғунчи таъсирини кўплаб ҳужжатларнинг далиллари тасдиқлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, коррупциянинг юксак даражада бўлиши ЯММнинг ўсиш кўрсатишларини сезиларли даражада қисқартиради. Паоло Мауро амалга оширган регрессив таҳлилнинг кўрсатишича, коррупция индексининг (1 дан 10 гача бўлган шкала бўйича) 2,4 пунктга пасайиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромаднинг 4 % ўсишига олиб келади¹⁵. Коррупциянинг ўсиш кўрсаткичларига салбий таъсири лоақал инвесторларнинг ҳисоб-китобларида инобатга олинмаган қўшимча хавфлар туфайли инвестицияларнинг камайишида намоён бўлади. Бундан ташқари, коррупция таълим соҳасига сарфланадиган харажатларнинг камайишига олиб келиб, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради. Коррупция индексининг 2,38 пунктга пасайиши (стандарт девиация) таълим соҳасига ажратилмаган давлат харажатларининг ЯММнинг тахминан 0,5 фоиз кўпайиши билан кечади¹⁶.

Нима учун коррупция таълимга таъсир қилади? Тадқиқот натижаларига кўра, коррупциядан азият чекувчи ҳукуматлар пора олиш кўп бўлган соҳаларда кўпроқ маблағ сарфлайдилар¹⁷. Коррупциялашган амалдорлар ноҳақ йиғимлар жуда самарали тарзда олинмаган соҳаларга бюджет маблағларини йўналтира оладилар. Аэропортлар ёки тез юрар магистраллар каби катта ва мураккаб лойиҳалар алдаш учун қулай шароит яратади ва, аксинча, таълим соҳасидаги харажатлар ва олинган фойда кўпроқ сезиларли бўлиб, бу ҳол коррупционерларга халал беради.

¹⁵ *Mauro*. Effects. – P. 94.

¹⁶ *Paolo Mauro*. The Effects of Corruption on Growth, Investment, and Government Expenditure: A Cross-Country Analysis”, in *Corruption and the Global Economy*, ed. Kimberly Ann Elliot (Washington, D.C.: Institute for International Economics, 1997). – P. 91. Яна қаранг: *Paolo Mauro*. Corruption and Growth: *Quarterly Journal of Economics* 110. – №. 3 (1995). Ушбу мавзуга оид адабиёт хусусида батафсил маълумот учун қаранг: *Alberto Ales and Rafael Di Tella*. The Causes and Consequences of Corruption // *IDS Bulletin* 27. – №. 2 (1996). P. 6–10.

¹⁷ *Andrei Shleifer and Robert W. Vishny* // *Corruption: Quarterly Journal of Economics* 109. – №. 3 (1993). – P. 599–617.

Бошқа бир тадқиқот коррупцияни даромадларнинг тенгсизлиги билан изоҳлайди. Турли мамлакатларда олинган маълумотлар коррупция, даромадлардаги тенгсизлик ва қашшоқлик ўртасида мустаҳкам алоқадорлик борлигини кўрсатмоқда. Мамлакат коррупцияга мойиллик индексида қанчалик қуйи ўрин эгалласа, жиддий даромад тенгсизлигини билдирувчи “Жини коэффициенти” унда юқори бўлиши эҳтимоллиги шунчалик катта бўлади. Коррупция даражасининг атиги 0,8 пунктга ўсиши аҳоли қашшоқ қатламларининг даромади кескин – йилига 7,8 фоиз камайишига олиб келади¹⁸.

Халқаро қиёсий тадқиқотларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад коррупция даражаси билан энг мустаҳкам боғлиқ ўзгарувчи сифатида баҳоланади¹⁹. Бой ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар коррупцияга энг кам даражада мойилдирлар. Юқорида келтирилган “Transparency International” индексига кўра, ушбу коррупция энг кам тарқалган дастлабки йигирмата мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 17 минг доллар ва ундан ортиқни ташкил қилган (1-жадвалга қаранг), айни вақтда энг коррупциялашган йигирмата мамлакатда ушбу кўрсаткич 4 минг доллар ва ҳатто ундан ҳам кам бўлган. Охирги мамлакатлар қаторида асосан энг қолоқ ёки собиқ социалистик мамлакатлар туради.

Коррупциялашганлик ва даромадлар даражасининг ўзаро алоқадорлиги қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ. Катта даромадлар давлат хизматчиларининг маошини ошириб, коррупцияни камайтиради. Афтидан, фаровонликнинг ўсиши ноқонуний олинадиган пулларга интилишни камайтиради, чунки тўкинчилик бўлади. Бунда даромадлар ўсган сайин

¹⁸ *Sanjeev Gupta, Hamid Davoodi, Rosa Alonso-Terme. Does Corruption Affect Income Inequality and Poverty? // IMF Working Papers 98/76 (Washington, D.C.: International Monetary Fund, 1998).*

¹⁹ *Daniel Treisman. The Causes of Corruption: A Cross-National Study (forthcoming, 1998), P. 22–23.*

параллел равишда коррупция билан боғлиқ қилмишлар учун жазолар кучаяди. Иқтисодий ривожланиш ҳам демократияни рағбатлантириб, коррупциянинг пасайишига шароит яратади²⁰. Бундан ташқари, тараққиёт таълим даражасини оширади, бу эса фуқарони ўз ҳаракатларининг оқибатларига эътиборлироқ бўлишга мажбур этади²¹. У ёки бу мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиш даражаси ҳам коррупция даражаси билан тескари боғлиқдир. Глобал ҳамжамиятга қўшилиш халқларни ва айрим фуқароларни ривожланган давлатларда қабул қилинган қоидаларга ўргатади. Европа Иттифоқи каби бирлашмаларга аъзолик шартини ушбу қоидаларни қабул қилиш ташкил этади.

Коррупция давлат харажатларининг тузилишини ўзгартиради. Бунда маблағлар соғлиқни сақлаш, таълим, йўл қурилиши, алоқа сингари ижтимоий муҳим дастурлардан унчалик муҳим бўлмаган соҳаларга кўчирилади. Қуриб битказилган объектларни сақлаш ҳақида бош қотирмаган ҳолда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кучайиб кетган капитал қурилиш бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Ислоҳотлар амалга ошириляётган ҳамда ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечириётган мамлакатларда мавжуд иқтисодий салоҳиятни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтиришга коррупция ўта салбий таъсир ўтказаяётганлиги тадқиқотчилар ва сиёсий арбоблар томонидан тан олинмоқда²².

²⁰ Демократия ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тасдиқловчи маълумотларни қуйидаги ишларда қаранг: *Seymour Martin Lipset. Political Man. – Garden City, N.Y: Doubleday, 1960*); Treisman, Causes of Corruption.

²¹ Treisman. Causes of Corruption. – P. 6.

²² Қаранг: *Беккре А., Каика З.* Кремль взялся за реформу госслужбы // Ведомости. 01.07.2002; *Григорьев Е.* Глобализация взяточничества // Независимая газета. 24.06.2002; *Джонс Д., Кауфманн Д., Хеллман Р.* Способствуют ли иностранные компании процветанию коррупции в переходных экономиках // Трансформация. – 2000. – №3–4; *Исмоилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 107–121; *Чернега Ю.* Чтобы жил на одну зарплату. // Коммерсантъ Власть. — 2002. — №32.

Ҳозирги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказётган энг хавфли иллат – коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятларни тадқиқ этишга эътибор кучайтирилмоқда. Банк-молия соҳасида, давлат мулкани хусусийлаштиришда, қимматли қоғозлар муомаласида, кичик ва хусусий корхоналар тизимида, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жиноятчи гуруҳлар содир этаётган қонунбузарликлар сонининг ошиши, айниқса ташвишлидир.

Шу сабабли ҳам Президент И. А. Каримов коррупцияга қарши курашни кучайтириш ҳақида шундай деган эди: “Иқтисодиёт соҳасида қонунчиликка ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи, аниқ далиллар таҳлили шундан далолат берадики, биз коррупция билан кураш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Чунки коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантириб, унинг маъно-моҳиятига доғ туширмоқда...

Айниқса, қонун посбони бўла туриб тадбиркорлар манфаатларини муҳофаза этиши лозим бўлган, мажозан айтганда, қўли пок бўлиши зарур бўлган ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуққонлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга қатъиян чек қўйиш зарур”²³.

Ҳозирги даврга келиб коррупцияга қарши кураш барча мамлакатларда жамоатчиликнинг диққат марказига қўйилмоқда, чунки жамиятдаги нолегал муносабатлар ўта хавфли соҳага айланиб бормоқда.

²³ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 32–33.

Уильям Девидсон институтида ўтказилган тадқиқотларга кўра, коррупциянинг кенг тарқалиши корхоналарнинг хуфийна иқтисодиёт томон юз ўгиришига сабаб бўлади. Жаҳон Банки томонидан тайёрланган “World Development Report” маърузасида таъкидланишича, коррупцияга иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг паст даражаси хос бўлади. Шу сабабли халқаро молиявий ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга кредитлар ажратаётганида, шу давлатлар ҳукуматлари коррупцияга қарши курашувчи махсус тузилма яратишини талаб қилмоқдалар. Бироқ “Transparency International” тадқиқотларида бундан кам натижа чиқаётганлиги таъкидланмоқда. Transparency раиси Жон Гитонго ушбу тузилмаларнинг кўпчилиги парламент ёки суд тизими билан коррупция масаласида тўқнашувларга дуч келиб, “етим”ларга айланиб қолаётганлиги ҳамда ушбу тузилманинг тарафидан олмаслик ҳоллари учраб туришини таъкидлаб ўтади.

Коррупцияга қарши кураш давлат тузилмалари ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари учун улар фуқаролик жамияти томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Бироқ, Жон Гитонгонинг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда фуқаролик жамияти ҳали яхши тараққий этмаган²⁴.

Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари, Президент И. А. Каримовнинг кўрсатишича, қуйидагилардан иборат:

- амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилиқ кўрсатиш;
- давлатнинг конституциявий асосларини емириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;
- жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариш, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириш;
- пул орқали ҳокимиятни қўлга олишга интилиш;
- нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазият-

²⁴ Қаранг: *Абатуров В.* Многоглавая гидра коррупции // Экономическое обозрение. — 2003. — №1. — С. 33.

ни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;

– жиноий усуллар билан бойлик орттирган кимсаларни “демократия” учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб капитал тўплайди, кейин демократия ва адолатни рўкач қилган ҳолда сиёсий обрў орттиради. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турадилар;

– жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотиши натижасида мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, “соф” қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади²⁵.

Коррупциянинг иқтисодий хавфсизликка соладиган таҳдиди хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Коррупция мавжуд экан, унинг домини кесиш учун коррупцияга қарши тадбирлар зарур бўлади. Бир гуруҳ мутахассислар булар жумласига иш ҳақини тартибга солишни коррупцияга қарши тадбирлар жумласига киритадилар.

Амалдорлар меҳнатига тўланадиган ҳақнинг етарли эмаслиги коррупция кенг тарқалишининг сабабларидан бири, деган фикр анча кенг ёйилган. Давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ва давлат хизматчиларининг иш ҳақи давлатга энг малакали мутахассисларга эга бўлиш учун курашда иқтисодиётнинг хусусий сектори билан рақобат қилиш имконини бериши керак. Амалдор меҳнатига юқори даражада ҳақ тўланса, унинг ишини йўқотиш хавфи билан боғлиқ муқобил харажатлари хизмат мавқеидан ғайриқонуний фой-

²⁵ Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – 88–95-б.

даланиш орқали оладиган фойдасидан ортиқ бўлади. Яъни “бизнес”нинг ушбу тури салбий фойда келтириб, ўзининг жозибадорлигини йўқотган бўлар эди. Аммо кўпчилик коррупцияни энг қуйи даражага етказиш учун амалдорларнинг иш ҳақини анча оширишга тўғри келади, деб ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, коррупцияга қарши курашнинг фақат шу йўлидан фойдаланиладиган бўлса, бу мамлакат бюджети учун қимматга тушиши ва қўйилган мақсадга эришилмаслиги мумкин. Ҳатто иш ҳақи юқори бўлган тақдирда ҳам, барча амалдорлар коррупция эвазига уни кўпайтиришдан воз кечмаган ҳоллар мавжуд.

2003 йил 31 октябрда Вена шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси БМТнинг коррупцияга қарши қабул қилган халқаро конвенциясини Мексиканинг Медрид шаҳрида дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари имзоладилар. Янги халқаро битим 30 та мамлакат уни ратификация қилганидан сўнг кучга киради ва 2005 йил 9 декабргача давлатлар ҳамда иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий ташкилотларнинг имзолашлари учун очиқ қолади.

Коррупцияга қарши халқаро конвенциянинг қабул қилинишини жаҳон ҳамжамияти “чуқур қониқиш ҳисси билан” кутиб олди. Афтидан, бу глобаллашув шароитида коррупция дунёнинг деярли барча давлатлари фаровонлигига таҳдид солаётганлиги билан боғлиқ. Масалан, Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, бутун дунёда ЯИМнинг тахминан 5 % коррупция ҳамда молиявий маблағлардан нотўғри фойдаланиш ва ортиқча харажатлар (растраталар) туфайли йўқотилади. Control Risks Group консалтинг фирмасининг хабар беришича, халқаро компанияларнинг деярли ярми рақобатчилари пора бериш эвазига уларнинг бизнесини синдирганлиги туфайли охириги беш йил ичида бошқа мамлакатларга инвестиция киритишдан воз кечишларига тўғри келган.

Коррупциянинг юқори даражадалиги инвесторларга солинадиган қўшимча солиққа тенглаштирилади. БМТнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси Ханс Корелл коррупция – универсал ҳодиса, аммо у ривожланаётган мамлакатлар учун айниқса

ҳалокатлидир, деб ҳисоблайди: “Коррупция ҳуқуқий жамият қуриш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳолининг, айниқса унинг камбағал қатламларининг фаровонлигини ошириш борасидаги барча ҳаракатларни йўққа чиқаради”. “Transparency International” фирмасининг бош директори Питер Айгеннинг фикрича, “одамлар ушбу муаммонинг қанчалик муҳимлиги ва унга қарши кураш қанчалик қийинлигини тушуна бошладилар. Халқаро аксилкоррупциявий коалицияга ўхшаш нимадир пайдо бўлди”.

Шу билан бирга, Конвенция қабул қилинишининг умуман коррупцияга қарши кураш учун катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган бир қатор қашшоқ мамлакатлар вакиллари ҳар ҳолда Конвенцияда назарда тутилган мақсадлардан бири бўлмиш аввалги давлат бошлиқлари хорижга олиб чиқиб кетган пул маблағларини қайтариш мумкинлигига шубҳа билдирмоқдалар. Шунчалик кўп юридик тўсиқлар мавжудки, қашшоқ мамлакатларнинг уларни енгиши учун маблағлари етмайди. Айни вақтда Конвенция қабул қилинганлиги сабабли мансабдор шахслар, биринчи навбатда, коррупция кенг ёйилган мамлакатларнинг мансабдор шахсларига таъсир кўрсатишнинг янги сиёсий дастаги пайдо бўлаётганлигини тан олмаслик мумкин эмас. Эндиликда жаҳон жамоатчилигининг фикрини бирлаштириш ва ҳаракатларни дунёнинг бундай мамлакатлари ҳукуматларига қарши мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Уларнинг олдиларида фақат битта йўл – коррупцияга қарши курашни иложи борича кучайтириш йўли турибди.

Шу жиҳатдан қараганда, Хитойнинг “Женьминь Жибао” газетасида билдирилган фикр эътиборга лойиқ. Унда мамлакат БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясини имзолагани ҳақида хабар эълон қилинган бўлиб, одил судлов органларида ишлаётган коррупционерларга қарши курашда эришилган катта ютуқлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Энди кўп давлатлар, биринчи навбатда, Конвенцияни имзолаган ва ратификация қилган давлатларнинг халқаро ҳамжамият

олдида коррупция билан боғлиқ вазият ҳақида ошкора ҳисобот беришларига тўғри келади.

БМТ Бош котибининг коррупцияга қарши конвенция имзоланишига бағишланган юқори даражадаги сиёсий конференция очилиши муносабати билан юборган мактубида айтилишича, коррупция – кўпчилик мамлакатларда қашшоқликни чуқурлаштиришга ҳамда ҳаммамизга дахлдор бўлган ва кутилмаган оқибатларга олиб келадиган офат. Ушбу Конвенциянинг имзоланиши бу зулмга қарши курашимизда эришилган йирик ғалабадир. Ҳар йили бу кун БМТнинг коррупцияга қарши курашга бағишланган кун сифатида нишонланади.

Конвенцияда коррупцияни йўқ қилиш учун давлатларнинг ўзлари масъул эканлиги аниқ белгиланган. Конвенцияда барча мамлакатлар ўзларининг давлат бошқаруви режимларини ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги институтларини мустаҳкамлашда фойдаланишлари мумкин бўлган кенг қамровли стандартлар пакети таклиф қилинган. Шу ўринда активларнинг қайтарилиши ҳақидаги ўзига хос биринчи қоидани таъкидлаш жоиз. Унга кўра, ҳукуматлар ўзларининг тасарруфида (юрисдикциясида) бўлиб қолган ва коррупция йўли билан қонунга хилоф тарзда олинган маблағларни улар ўғирланган мамлакатларга қайтаришга мажбурдирлар. Ушбу қоида жиддий ғалабадир. У кўплаб ривожланаётган мамлакатларнинг янги ҳукуматлари ўз мамлакатларига етказилган ижтимоий-иқтисодий зарарни тиклаш учун ниҳоятда муҳтож бўлган миллиардлаб доллар пулларни ушбу мамлакатнинг коррупциялашган элитаси ғайриқонуний равишда ўзлаштирганлиги оқибатида келиб чиққан долзарб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан барча мамлакатларни ушбу Конвенцияни тезроқ ратификация қилишга чақирди. Унинг айтишича, бу “...ҳар томонлама бажарилиши камбағаллар ва ҳимояланмаганлар учун коррупциялашган амалдорларнинг ва ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай воситалардан қайтмай-

диган чайқовчиларнинг очкўзлигидан ҳимояни таъминлашга ёрдам беради. У бугунги жадал ўзгараётган дунёда камбағаллар янада қашшоқлашмаслигига ёрдам беради ва ривожланиш соҳасидаги муҳим тўсиқларни бартараф этиб, бу минг йиллик декларациясида қўйилган мақсадларга эришиш ва бутун дунёдаги миллионлаб одамларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериши мумкин...”²⁶.

У ёки бу мамлакатда коррупцияга қарши кураш, унинг минимал даражасига эришиш учун, бизнингча, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг ривожланишига, мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов эканлиги, охир-оқибатда аҳоли фаровонлигини ўстиришга салбий таъсир кўрсатувчи иллат эканлигини сингдириш зарур.

Бу борада Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим”²⁷.

²⁶ Цитата манбаи: *Ахмеджанов А.* Коррупция и ее влияние на экономику // *Экономическое обозрение.* – 2004. – №3. – С. 32.

²⁷ *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 429.

ХУЛОСА

Иқтисодий таҳликани юзага келтирувчи кучлар орасида хуфиёна иқтисодиёт, коррупция асосий ўрин тутди.

Коррупция миллий хавфсизликка, жумладан иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфиёна иқтисодиётнинг кўриниши эканлиги аён нарса. Коррупция — глобал ҳодиса. Ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси ҳар хил. Бу коррупция илдизлари чуқур бўлишидан далолат беради.

Коррупциянинг сабаблари ҳар хил талқин этилади. Улар объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилади. Масалан, қонунчиликнинг номукамаллиги, демократик принциплар ва институтларнинг ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги коррупцияни озиқлантиради. Бироқ коррупция мавжудлигининг сабабларини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак.

Бозор тизими ҳозирча мукамал эмас. Унинг механизмларида узилишлар бўлиб туриши ҳам коррупцияга қулай шароит ҳозирлайди. Демак, коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бозор муносабатларининг ўзини такомиллаштиришдир.

Коррупциянинг объектив сабабларидан яна бири давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари кўп аралашуви ва шунга боғлиқ ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммолари ҳал қилинишининг давлат амалдорларига боғлиқ бўлишидир. Маълумки, давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Бу усулларнинг қўлланиши амалдорлар фаолиятига боғлиқ. Шу сабабли ҳам коррупциянинг илдизларидан бири бўлган ва

ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолган давлатнинг рухсат бериш функциясини минимал даражага тушириш лозим.

Умуман олганда, коррупциялашганлик ва даромадлар даражасининг ўзаро алоқадорлиги қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ. Катта даромадлар давлат хизматчиларини рағбатлантириш тизимини ўзгартириб, коррупцияни камайтиради: афтидан, фаровонликнинг ўсиши ноқонуний олинандиган пулларга интилишни камайтиради. Бунда даромадлар ўсган сайин коррупция билан боғлиқ қилмишлар учун жазолар ҳам кучаяди. Иқтисодий ривожланиш ҳам демократияни рағбатлантириб, коррупциянинг камайтишига шароит яратади. Бундан ташқари, тараққиёт таълим даражасини оширади, бу эса фуқарони ўз ҳаракатларининг оқибатларига эътиборлироқ бўлишга мажбур этади.

Жаҳон тажрибасига кўра коррупцияни юзага келтирувчи учта асосий омил борки, бу жон бошига ҳисобланган даромадларнинг озлиги, қон-қариндошлик ва таниш-билишлик алоқаларининг кучли бўлиши ва демократик институтларнинг кучсизлигидир.

Шунингдек, чет эллардаги каби мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши кураш тўғрисида қонун яратиш ва уни амалга оширишни таъминловчи муассасалараро коррупцияга қарши кураш маркази тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, демократик институтлар ишини фаоллаштириш орқали коррупция устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш талаб қилинади.

Коррупциянинг хатарли жойи яна шундаки, у ҳаром пулларни “ҳалоллаб” олишга ва шу орқали терроризм ҳамда экстремизмни молиялаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун коррупцияга қарши курашда халқаро бирдамлик ва ҳамкорликни таъминлаш давр талабига айланди.

Коррупция иқтисодий ўсишга ва оммавий фаровонлик-

ни оширишга тўсқинлик қилувчи куч саналади. Шунинг учун унга қарши курашмасдан туриб, жадал иқтисодий ўсишни ва ижтимоий муаммоларнинг самарали ечимини таъминлаб бўлмайди.

У ёки бу мамлакатда умумбашарий ва хатарли ҳодиса бўлган коррупцияга қарши кураш ҳамда унинг минимал даражасига эришиш учун кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг ривожланишига, мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов эканлиги, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон каби миллий мафкурамизнинг асосий ғояларини рўёбга чиқаришга салбий таъсир этувчи иллат, таҳдид эканлигини сингдириш зарур.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари	5
Коррупцияга қарши кураш – хавфсизликни таъминлаш воситаси.....	20
Хулоса.....	40

ҚОБИЛОВ Шариф Рахимович,
иқтисод фанлари номзоди, доцент;
АБДУЛЛАЖОНОВ Нодир Боқижонович

КОРРУПЦИЯ
ВА
ХАВФСИЗЛИК

Муҳаррир **Б. А. Яров**
Техник муҳаррир **С. Н. Яшина**

Босишга рухсат этилди 12.06.2006. Нашриёт ҳисоб
табағи 2,5. Буюртма № 14/6. Адади 1000 нусха.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
700197, Тошкент ш., Интизор кўч., 68
М.Ч.Ж “DT-NASHR” босмахонасида чоп этилди,
Тошкент шаҳар, Алгоритм даҳаси -17.